

Journal of
**Natural
science**

**No5
2021**

<http://natscience.jspi.uz>



| <u>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ</u> | <u>ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ</u> |
|---|--|
| <p>Бош муҳаррир – У.О.Худанов т.ф.н., доц.</p> <p>Бош муҳаррир ёрдамчиси-Д.К.Мурадова, PhD, доц.</p> <p>Масъул котиб- Д.К.Мурадова</p> | <ol style="list-style-type: none">1. Худанов У.О. – ЖДПИ Табиий фанлар факултети декани, т.ф.н., доц.2. Шылова О.А.-д.х.н., профессор Института химии силикатов им. И.В. Гребенщикова Российской академии наук (ИХС РАН)3. Маркевич М.И.-ф.ф.д. проф Белорусия ФА4. Elbert de Josselin de Jong- профессор, Niderlandiya5. Кодиров Т- ТТЕСИ к.ф.д, профессор6. Абдурахмонов Э – СамДУ к.ф.д., профессор7. Сманова З.А,-ЎзМУ к.ф.д., профессор8. Султонов М-ЖДПИ к.ф.д,доц9. Яхшиева З- ЖДПИ к.ф.д, проф.в.б.10. Рахмонкулов У- ЖДПИ б.ф.д., проф.11. Мавлонов Х- ЖДПИ б.ф.д., проф12. Абдурахмонов Ғ- ЎзМУ фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц13. Хакимов К – ЖДПИ г.ф.н., доц.14. Азимова Д- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (биология бўйича) (PhD), доц15. Юнусова Зебо – ЖДПИ к.ф.н., доц.16. Гудалов М- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (география фанлари бўйича) (PhD)17. Мухаммедов О- ЖДПИ г.ф.н., доц18. Хамраева Н- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (биология фанлари бўйича) (PhD)19. Рашидова К- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц20. Мурадова Д- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (кимё фанлари бўйича) (PhD), доц |
| <p>Муассис-Жиззах давлат педагогика институти</p> | |
| <p>Журнал 4 марта чиқарилади (ҳар чоракда)</p> | |
| <p>Журналда чоп этилган маълумотлар аниқлиги ва тўғрилиги учун муаллифлар масъул</p> | |
| <p>Журналдан кўчириб босилганда манбаа аниқ кўрсатилиши шарт</p> | |

Жиззах давлат педагогика институти Табиий фанлар факултети

Табиий фанлар-Journal of Natural Science-электрон журнали

[/http://www.natscience.jspi.uz](http://www.natscience.jspi.uz)

**ЯШИЛ ОЛАМНИ САҚЛАШ ВА КЎПАЙТИРИШ “ЯШИЛ МАКОН”
ЛОЙИХАСИНИНГ АСОСИ**

Д.У. Ишанқулова- таянч доктаранти

Х. Мавлонов- профессор

Жиззах давлат педагогика институти

*Бугунги ва келгусидаги экологик вазиятни инобатга олиб,
дарахт экишни давлат сиёсати даражасига кўтараябмиз.*

Ш.М. Мирзиёев

Аннотация: Манзарали дарахтлар шаҳарларни кўкаламзорлаштириш ишларида тенгсиздир. Бу борада, турли кўчатзорлар ва мунтазам гуллаб турувчи боғларни яратишда фойдаланилувчи узоқ гуллайдиган ўсимлик турлари алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзининг манзаралилик ва фойдалилик хусусиятини кенг доиралилиги билан ажралиб туради.

Калит сўзлари: Кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш, манзарали, Фарб туяси, Шарқ биотаси, Қрим қарағайи, Қора қарағай, Ҳинд настарини, Сурия атиргули, Оддий шумтол.

Жаҳонда биологик хилма-хилликнинг ўзгариши ва шаҳар урбанзациясининг тез суратлар билан ривожланиш жараёнида манзарали ўсимликларни таҳлил қилиш ҳамда улардан аҳоли яшаш манзилларини кўкаламзорлаштиришда самарали тарзда фойдаланиш замонавий ботаниканинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш борасида манзарали ўсимликларни аниқлаш, уларнинг морфобиологик хусусиятлари ва табиий популяцияларини тадқиқ этиш шу куннинг муҳим вазифаларидан саналади.

Дунёда табиий ҳолда тарқалган манзарали ўсимликларни аниқлаш, уларни интродукция шароитида турли усуллар билан кўпайтириш ҳамда улардан шаҳарларни кўкаламзорлаштириш тадбирларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сўнгги йилларда Республикамизда янги шаҳарлар, аҳоли яшаш жойлари ва автомобил йўлларини қуриш кўлами ортиб бормоқда. Шу муносабат билан ушбу ҳудудларда кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишларини олиб бориш шу куннинг муҳим вазифаларидан саналади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги 142-сон 2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида»ги, 2016 йил 21 сентябрдаги 409-сон “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида” ги Қонуни, 2017 йил 11 сентябрдаги ПҚ-3262-сон “Автомагистралларни

ободонлаштириш ва ландшафтни режалаштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда мухтарам Президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг 2021 йил 07.08. даги маърузалари асосида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида йилига 200 миллион туп дарахт ва бута кўчатларини экиш, шу орқали шаҳарлардаги яшил майдонларни амалдаги 8 % дан 30 % га ошириш режасини маълум қилди. 2 ноябрдан 10 декабргача бўлган муддат дарахт экиш бўйича долзарб 40 кунлик деб эълон қилинди.

Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент вилоятларида 16 миллион, Андижон, Бухоро, Наманган, Фарғона вилоятларида 15 миллион, Қорақалпоғистон, Навоий, Сирдарё, Хоразим вилоятларида 14 миллион, жами октябр ноябр ойларида 55 миллион туп, келгуси йили 70 миллион туп тут, павлония, мевали ва манзарали дарахтларни экиш режалаштирилиб амалга оширилмоқда.

Шу ўринда, ўзининг манзарабоплилиги, ноёблиги ва ноқулай экологик омилларга етарлича чидамлилиги, кўкаламзорлаштиришда кенг қўлланиладиган, совуқ қиш ва қуруқ ёз об-ҳаво шароитларига чидамли бўлган шаҳарларни кўкаламзорлаштиришда ажралиб турадиган манзарали дарахт ва буталар алоҳида аҳамият касб этади.

Манзарали дарахтлар шаҳарларни кўкаламзорлаштириш ишларида тенгсиздир. Бу борада, турли кўчатзорлар ва мунтазам гуллаб турувчи боғларни яратишда фойдаланилувчи узоқ гуллайдиган ўсимлик турлари алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзининг манзаралилик ва фойдалилик хусусиятининг кенг доиралилиги билан ажралиб турувчи, амалиётда юртимиз иқлим шароитларида синовдан ўтган қуйидаги ўсимлик турларини экишга тавсия этиш мумкин деб хисоблаймиз.

Ғарб туяси: Сарвидошлар оиласига мансуб баландлиги 12 (19) м гача, диаметри 70 см (180 см) бўлган доимий яшил, манзарали, игнабаргли дарахт. Ватани: Шимолий Америка. Ҳозирда Республикамизда кўкаламзорлаштиришда туя туркумининг учта табиий турларидан кенг фойдаланилмоқда.

Шарқ биотаси: Сарвидошлар оиласига мансуб баландлиги 21 м гача, диаметри 2,7 м бўлган доимий яшил дарахт. Шарқ биотаси Республикамиз иқлим шароитларига яхши мослашган. Ўсимликка турли хил шакл бериб фойдаланиш мумкин.

Қрим қарағайи: Қарағайдошлар оиласига мансуб баландлиги 25 (30) м гача, диаметри 70 см (150 см) бўлган доимий яшил, игнабаргли манзарали дарахт.

Ватани: Болқон, Қрим, Кавказ. Республикамиз иқлим шароитларига яхши мослашган. Юртимизда кўкаламзорлаштиришда кенг фойдаланилади.

Қора қарағай: Қарағайдошлар оиласига мансуб Австрия қора қарағайи 20-30 м баландликдаги дарахт. Ватани: Европа ва Ўрта Ер денгизи. Қора қарағай Республикамиз иқлим шароитларига яхши мослашган.

Элдор қарағайи. Қарағайдошлар оиласига мансуб баланд буйли, доимий яшил юқори манзарали игнабаргли дарахт. Ватани: Кавказ орти давлатлари.

Маданий холда ер юзининг деярли барча минтақаларида учрайди.

Виргин арчаси: Сарвидошлар оиласига мансуб баландлиги 24-30 м гача, диаметри 1,5 м бўлган доимий яшил игнабаргли дарахт. Республикамиз иқлим шароитларига яхши мослашган 10 дан ортиқ тур ва манзарали шакллари (формалари) парваришланмоқда.

Оддий эман: Қорақайиндошлар оиласига мансуб, буйи 30-40 м гача 1-1,5 м га етадиган шох-шаббаси кенг йирик манзарали дарахтдир. Эман танаси тўғри ўсади. Барглари оддий тузилган спирал шаклда жойлашади. Апрель ойида гуллайди. Меваси сентябрдан бошлаб тўкила бошлайди. 500-600 йил яшайди. Ёғочи қаттиқ ва оғир бўлиб, саноат миқёсида кўп мақсадларда ишлатилади. Ватани: Европа, Қрим, Кавказ. Республикамиз иқлим шароитларига яхши мослашган 13 тури мавжуд.

Оқ акация: Дуккакдошлар оиласига мансуб, баландлиги 25-30 м гача етадиган манзарали дарахт. Барглари ёйсимон, силлик. Танасининг юқори қисми ўткир тиканлар билан қопланган. 70-80 йилгача яшайди. Жуда тез ўсади. Республикамиз шароитида хар йили эрта баҳорда апрел-май ойларида қийғос гуллайди ва мева тугади. Қимматли асал берувчи. Гуллаганда хушбўй ифорт таратади. Меваси сентябр-октябр ойларида пишиб етилади. Ерни азот билан бойитади, шу боисдан бошқа дарахтлар унинг ёнида яхши ўсади. Ватани: Шимолий Америка. Республикамиз иқлим шароитларига мослашган 5 дан ортиқ тури мавжуд.

Оддий шумтол: Зайтундошлар оиласига мансуб бўлиб, буйи 30-40 м гача етадиган тез ўсадиган қуюқ соя берадиган манзарали дарахт. Барглари тоқ патсимон, қарама-қарши жойлашади. Апрель-май ойларида гуллайди. Оддий шумтол ёруғсевар ўсимлик бўлиб, 200-250 йилгача яшайди. Ватани: Европа, Қрим ва Кавказ. Республикамиз иқлим шароитларига мослашган 20 дан ортиқ тури шу кунда интродукция қилинган.

Майда баргли қайрағоч: Қайрағочдошлар оиласига мансуб бўлиб, буйи 35-40 метрга етади. Пўстлоғи жигар ранг қалин. Эрта кўкламда барг ёзишдан олдин гуллайди. Барглари эллипссимон, ланцетсимон майда бўлиб, меваси узун бандда туга бўлиб осилиб туради. Меваси апрел-май ойларида пишади. Ватани:

Узоқ шарк. Республикамиз иқлим шароитларига мослашган 10 дан ортиқ тури мавжуд. Чиройли кўриниш ҳосил қилиб, қуюқ соя беради.

Гўзал катальпа: Бигнониядошлар оиласига мансуб, баландлиги 30 м гача етадиган кенг шохланиб ўсадиган, қуюқ соя берадиган ва чиройли гуллайдиган манзарали дарахт. Барглари йирик, ўткир учли, чўзиқ тухумсимон, силлиқ. Ҳар йили апрел-май ойларида гуллайди. Гуллари хушбўй. Меваси октябр ойида пишиб етилади. Жуда тез ўсади. Ерни тезда чиринди билан бойитади. Ватани: Шимолий Америка. Республикамиз иқлим шароитларига мослашган 4 тури бор.

Сурия атиргули: Гулхайридошлар оиласига мансуб, бўйи 5-6 метрга етадиган манзарали бута. Барглари 5-10 см яшил рангли бўлиб, гуллари йирик ок, пушти, сиёхранг, узоқ муддат қийғос гуллайди. Ватани: Хитой, Корея ва Ғарбий Осиё. Дунёда 250 дан ортиқ тури мавжуд. Марказий Осиё мамлакатларида кенг тарқалган.

Ҳинд настарини: Литрумдошлар оиласига мансуб 5-7 метр баландликкача булган сершоҳ манзарали бута. Новдалари силлиқ кулранг оқиш пустли. Барглари тук яшил, гул лари ок, сиёхранг, тўқ пушти, қизил бўлиб қийғос ва узоқ муддат гуллайди ва мева тугади. Ватани: Хитой. 30 га яқин манзарали шакллари ер юзининг барча минтақаларида учрайди.

Ялтироқ лигуструм: Зайтундошлар оиласига мансуб доимий яшил манзарали бута, баландлиги 10 м гача етади. Барглари қаттиқ, устки қисми силлиқ пўстсимон ялтироқ. Кенг шохлаб ўсувчи бута. Асал берувчи. Меваси қорамтир рангли, истеъмолга яроқсиз. Меваси қиш давомида ўз рангини йўқотмаган ҳолда ўсимликда сақланиб қолади. Май ойида гуллайди. Меваси октябр-ноябр ойларида пишиб етилади, ҳар йили қийғос гуллаб, мева беради. Республикамиз иқлим шароитига мослашган манзарали турлари мавжуд.

Оддий настарин: Зайтундошлар оиласига мансуб бўлиб, баландлиги 3-5 м гача етадиган барглари тухумсимон гуллари хушбўй манзарали бута. Гуллари чиройли, асал берувчи. Ватани: Карпат ва Балқон. Ҳозирги вақтда Республикамиз иқлим шароитларига яхши мослашган 3 тури интродукция қилинган.

Манзарали ўсимликларни экиб кўпайтириш бўйича нафақат илмий адабиётлар балки ҳадисларда ҳам кўп маълумотлар келтирилади, жумладан “Бир мўмин кўчат экса ундан инсонлар ёки қушлар фойдаланса, экган инсонга нисбатан садақа ҳукмидадир” деб таъкидланади.

Манзарали ўсимликларни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштиришдаги аҳамиятини ўрганиш, кўпайтириш усуллари ҳамда биоэкологик хусусияларини таҳлил қилиш борасида Жиззах давлат педагогика институти илмий ходимлари ва доктарантлари томонидан салмоқли ишлар ҳам амалга оширилмоқда.

Манзарали ўсимликларни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш тадбирларини амалга ошириб биз нафақат атроф мухитни ифлосланишини олдини оламиз балки биологик хилма-хиллик сақлаш, чўлланишни олдини олишга ва келажак авлодларнинг ҳам саломатлигига замин яратамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Баженов Ю., А. Лысиков, А. Сапелин «Декоративные деревья и кустарники» Москва «Фитон+», 2011. 10-22 с.
2. Ёзиев Л.Х. Интродукция болотного кипариса и метасеквойи в Узбекистане Т.:2002 С.47.
3. Ёзиев Л.Х. Интродукция лагестремии индийской в условиях южного Узбекистана Интродукция и акклиматизация растений. Вып 27. Т “Фан” 1996. С.40-52.
4. Қайимов А.Қ., Турок Дж. «Аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш» Тошкент-2012 107 б